



# YOSHLAR OVOZI

## ХАЛҚИМИЗ РОЗИЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 29-30 ноябрь кунлари Хоразм вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Президентимиз Урганч шаҳридаги "Нихол" инновацион мактаби фаолияти билан танишди.

Жорий йил сентябрь ойида фаолият бошлаган ушбу нодавлат таълим муассасаси бошланғич синфларга ментал арифметикани ўргатишга

ихтисослашган. Бундан ташқари, бу ерда инглиз, рус тили фанлари чуқурлаштирилган тарзда ўқитилади. Ўқувчиларнинг бундан ташқари мазмуни ташкил этиш мақсадида шахмат тўғраги ташкил этилган.

Мактаб курилишига 3 миллиард 350 миллион сўм маблағ сарфланган бўлиб, ҳозирги кунда инглиз тили, рус тили, ментал арифметика, мактабга тайёрлов, тез ўқиш каби ўқув курслари фаолият юритилмоқда.

Мактабда 19 та фан хонаси, кутубхона, ошхона, спорт зали, ҳамшира, ўқувчилар хоналари, фаоллар зали мавжуд.

Нодавлат таълим муассасаси 250 ўринга мўлжалланган бўлиб, мавжуд эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда қўшимча 500 ўринли янги ўқув биноси барпо этиш режалаштирилмоқда. Шу боис мактаб раҳбарияти таълим муассасаси ёнидан қўшимча ер майдони ва 6 миллиард сўмлик имтиёзи кредит олишни мўлжалламоқда. Янги ўқув биноси фойдаланишга топширилса, яна 50 иш ўрни ташкил этилади.

Президентимиз мактабдаги шароитларни кўздан кечирар экан, таълим муассасасининг мазкур ташаббусини қўллаб-қувватлади.

(Давоми 2-саҳифада)

## "ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ"



### БУ ЙИЛ КИМЛАР САЗОВОР БЎЛДИ?

3-саҳифага қаранг

## ТҮРТКЎЛДАН МҮЙНОҚҚАЧА

Бугун Қорақалпоқ диёри ҳамда шу азиз заминнинг меҳрибон, қалби қайноқ ва танти халқи "Ўзбекистон ёшлари — янги замон бунёдкорлари!" шиори остидаги ёшлар фестивалига мезбонлик қилмоқда



2-саҳифага қаранг

## SHU SONGA XABAR

## ЎЗБЕК ОЛИМИ TWAS аъзоси бўлди

Ўзбекистон фанлар академияси Астрономия институти назарий астрофизика бўлими бошлиғи, физика-математика фанлари доктори, профессор Бобомурат Ахмедов Бутунжаҳон фанлар академияси (TWAS) аъзоллигига сайланди. Бу ҳамюртимиз жаҳон миқёсидаги олим сифатида тан олинганидан далолат беради.

TWAS академиясига 1983 йилда асос солинган. Унинг қароргоҳи Италиянинг Триест шаҳрида жойлашган. Яқинда шу ерда илмий муассаса Бош ассамблеясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтган. Натияжада Бутунжаҳон Фанлар ака-

демиясининг 46 нафар янги аъзоси сайланди. Ўзбек астрофизиги шулар жумласидан.

Бобомурат Ахмедов Ўзбекистонда релятивистик астрофизика соҳасида ўз илмий мактабини яратган. Бундан ташқари, у гравитация ва умумий нисбийлик назариялари, компакт гравитацион объектлар физикаси бўйича ҳам тадқиқотлар олиб боради. Шу кунгача икки юздан зиёд илмий мақола ва тезислари чоп этилган.

Илм-фан ривожига қўшган муносиб ҳиссаси учун олим 2012 йилда "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланган. 2017 йилда "Web of Science" ахборот базасида илмий



ишлари энг кўп ҳавола қилинган муаллиф, яқинда эса, "Scopus" кидирув тизими ҳулосаси бўйича "Йил олими" дея эътироф этилди.

Муҳбиримиз



## НАТИЖАСИ ЧАККИ ЭМАС

Пойтахтимизда уч кун давом этган "PROlogue - 2018" халқаро кинофестивали ўз ниҳоясига етди. Унинг доирасида томошабинлар эътиборига ўзбек киноижодкорлари томонидан Ватанга муҳаббат, садоқат, меҳр-оқибат мавзуларида суратга олинган тўққизта қисқа метражли фильм ҳавола этилди.

Шу билан бирга, тўлиқ метражли бадвий фильмлар халқаро танлови ўтказилди. Асосий дастурдан ўрин олган "Сарвкомат дилбарим" (Ўзбекистон-Қирғизистон), "Мени ёлғиз қолдирма" (Босния ва Герцеговина-Туркия), "Кичкина фермер" (Франция) картиналари кўпчиликка маънур бўлди.

Ёшлар пресс-клубининг "Кинематография ва ёшлар" деб номланган сессиясида миллий кино санъатининг ривожига тўққизта қисқа метражли фильмлар халқаро танлови ўтказилди. Асосий дастурдан ўрин олган "Сарвкомат дилбарим" (Ўзбекистон-Қирғизистон), "Мени ёлғиз қолдирма" (Босния ва Герцеговина-Туркия), "Кичкина фермер" (Франция) картиналари кўпчиликка маънур бўлди.

қўяётган бўлгуси режиссёр, сценарий-навис, актёр, оператор ва продюсерлар учун жаҳон кинематографиясининг дондор вакиллари томонидан маҳорат дарслари ўтиб берилгани ҳам "PROlogue"нинг яна бир ютуғидир. Шундай ижодий мулоқотларнинг бирида россиялик киноарбоб Владимир Меньшов йиғирма йиллик танаффусдан сўнг Ўзбекистонга келгани, фестивал бахонасида юртимиздаги бугунги ижодий муҳит ва ёш ижодкорлар билан танишиш имконига эга бўлганини қайд этди. Меҳмон миллий кинематографиямиз замонавий тенденциялардан ортда қолмаслиги учун хориждаги илгор тажрибани ўрганиш гоят муҳимлигига ҳам ургу берди.

— Шу чоққача юртингиз кино санъати ҳақида жуда оз маълумотга эга эдим, — дейди фестивал ҳакамлар хайъати аъзоси, италиялик продюсер Фабियो Канела. — Келиб амин бўлдимки, ўзбек киноусталари анчайин салмоқли асарлар яратиш салоҳиятига эга. Улар халқаро даражага чиқишга интиляпти. Айниқса, ёшлар жулда фаол. Интилишларини озгина қўл-

лаб-қувватлаб, тўғри йўналиш берсангиз бўлгани. Қисқа метражли ўзбек фильмлари мени хайратта солди. Очиги, хаваскорлардан бу даражадаги юксак ишларни кутмагандим. Истедодли сўндирмаслик керак, албатта!

"PROlogue - 2018" халқаро кинофестивали ғолибларини тақдирлаш маросими Алишер Навоий номдаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида бўлиб ўтди. Энг яхши фильм учун Гран-при соврини "Мени ёлғиз қолдирма" фильми режиссёри Айда Бегичга топширилди. У "Энг яхши режиссёр" номинациясида ҳам ғолиб бўлди. Шунингдек, эронлик Моҳаммад Фақури "Энг яхши оператор", қирғизистонлик Акъбек Абдықалыков "Энг яхши актёр", Мадина Талипбек "Энг яхши актриса", франциялик Клод ЛеПейп ва Жюберт Чаруэль "Энг яхши сценарий" номинацияларида эътироф этилди. "Меннинг исмин" (Жанубий Корея) ва "Чой" (Ўзбекистон) энг яхши қисқа метражли фильмлар деб топилди.

Н.НУРАЛИЕВА

## 1-DEKABR — BUTUNJAHON OITSGA QARSHI KURASHISH KUNI



## ДУНЁНИ ҚУРШАГАН ДАРД

Жаҳон ахлини даҳшатга солиб келаятган дарду иллатлардан бири — ОИТС касаллиги. Шу кунгача ортирилган иммунитет танқислиги синдроми неча-неча одамнинг ҳаётига зомин бўлгани оддий гап эмас. ОИТС умр заволи бўлибгина қолмай, жамиятда психологик, маънавий ва ахлоқий мувозанатнинг издан чиқишига, қолаверса, мамлакат иқтисодиётининг пасайишига сабаб бўлмоқда.

Хасталик биринчи мартаба 1981 йилда АКШнинг Нью-Йорк ва Сан-Франциско шаҳарларида қайд этилган. Дастлаб шифокорлар уни

тери ўсмаси деб ҳисоблайди. Аммо 1983 йилга келиб француз олими Люк Монтане ва америкалик Роберт Гало тасодифан ортирилган иммунитет вирусини аниқлайди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, бу баттол вирус дунё бўйлаб қирқ мингта яқин аҳолининг ёстигини қуритган. Шунда инсоният янги аср бўсағасида бедаво иллатга йўлиққанини англаб етди.

Юртимизда ОИТС билан касалланиш ҳолати 1989 йилда қайд этилган. Ушанда вирус Африкалик фуқарога турмушга чиққан, лекин оилавий келишмовчилик сабаб она юртига қайтиб келган хомилдор аёлнинг қони-

да борлиги аниқланган эди.

Ортирилган иммунитет вирусини одамдан-одамга қон ва жинсий алоқа орқали юқали. Баъзан хаста онандан болага ўтishi мумкин. Сартарошхона, стоматология ва турли маънавий хизматлар кўрсатиш пайтида санитария меъёрларига риоя қилмаслик ҳам касаллик хавфини келтириб чиқаради.

БМТ маълумотига кўра, 2017 йил бошида Ер юзиде ОИВ инфекцияси билан яшаётган инсонлар сони 36 миллион 400 минг нафарни ташкил қилган. Шундан 15 миллиони — аёллар, 3 миллиондан зиёди эса, 14 ёшгача бўлган болалардир.

Юртимизда ОИТСнинг олдини олиш бўйича тизимли чоралар кўрилмади. Бу бўйича Ихтисослаштирилган республика маркази, вилоят ва шаҳарларда эса, унинг бўлиmlари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, махсус диагностика лабораториялари ташкил этилган. Президентимизнинг 2018 йил 25 январдаги "Ўзбекистон Республикасида одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори юқоридаги саъй-ҳаракатларни янада жалаллаштиришга хизмат қилса, ажаб эмас.

Х.ТОШТЕМИРОВ

8-DEKABR — O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KONSTITUTSIYASI QABUL QILINGAN KUN

ХУҚУҚЛАРИМИЗ ТАЯНЧИ

Шахноза БОЛТАЕВА,  
Гулобод ижтимоий-иқтисодий коллежи ўқитувчиси  
(Самарқанд тумани)

Қўлимизда гербимиз тасвири туширилган ихчам, чиройли китобча турибди. Оппоқ мукоадада “Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси” деб ёзилган. Саҳифаларини охишта varaқлаймиз. Уларда истиқлолимизнинг кечаси, бугуни ва келажаги очик-ойдин ифода этилган. Бу нафис рисолада давлатимиз байроғи, герби ва мадҳияси тимсолий белгилар сифатида гавдаланади.

медаллар билан тақдирланаётганини кўриб беҳад қувонасан, киши.

Фахр билан айтамыз: мустақиллик ҳаётимизни янги ўзанга бурди, меҳнат қилиш учун кенг имконият яратди, ўзлимизни англади. Асосийси, хозир Ўзбекистон халқи, инчунин, ёшларимизда илмий ва ижодий иқтидори, яратувчанлик салоҳияти билан буюк аждодлар йўлини давом эттириш учун барча имкониятлар бор.

Асосий қонунида: “Хар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги маданият ютуқларидан фойдаланиш хуқуқи кафолатланади. Давлат жамятининг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади”, дейилган. Бу норма ҳам жуда муҳим. Зотан, у фуқароларни келажатимиз порлоқ бўлиши учун толмай меҳнат қилишга, юксалишга, ютуқларини кўпайтиришга ундайди. Биз барпо этаётган ҳуқуқий-демократик жамятининг бир устунини ҳусусий мулк ва мулкдорлар синфини ташкил қилади. Юртимизда мулкчиликнинг турли шакллари амалда. Ўзтиборлиси, ҳусусий мулк ҳам давлат ҳимоясида.

Ҳусусий мулкдорлар синфининг раванк топишидан давлат манфаатдор. Чунки ишбилармон, талбиркор шахслар давлат газнасини бойитидаи,

мамлакатнинг хар жихатдан раванк топишига кўмаклашади. Меҳнат эркин ва ижодий бўлса, унинг кадр-киммати ошверади. Шу боис Конституциямизга “давлат истеъмолчилар хуқуқи устунилигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, талбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг хуқуқлигини ва хуқуқий жихатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”, мазмундаги норма киритилган.

Бош Қомусимизда: “Хар ким билим олиш хуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”, дейилади. Қонунга биноан, барча болалар умумий таълим олишга мажбур. Улар мактабга бориши, ўқиши, илм ўрганиши шарт. Назаримизда, бу ҳам ёшларга кўрсатилаётган эътиборнинг эркин намунаси.

Конституцияда хуқуқ ва эркинликларимиз қатори бурчларимиз ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Шундай қилиб, биз, Ўзбекистон фуқаролари ҳалол меҳнат қилиш, маънавий меросимиз, табиатимиз ва табиий бойликларимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, Ватанимиз шон-шавкатини юксалтириш, давлатимиз суверенитетини ҳимоя қилишга бурчликим.

Хур мамлакатимизнинг асосий қонун қабул қилинганга йигирма олти йил тўлди. Халқимиз орзу қилган демократик давлат, эркин жамяят конституциявий нормалар асосида шаклланмоқда. Давлатимиз жаҳон ҳамжамятидан муносиб ўрин олган ҳолда ўзи танлаган мустақил йўлдан дадил бормоқда.

депутати Жасур Яхшимов фаол йигит-қизлар билан кўришди. Ёшларга миллий қонунчилик тизимдаги ўзгаришлар, шунингдек, Конституциямизнинг фуқаролар ҳаётида тутган ўрни ҳақида гапириб берилди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлича жавоб олди.

“Карьера қуни” лойиҳаси доирасида эса, ҳудудда меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди. Натияжада 34 нафар йигит-қиз талабига муносиб иш топди. Бундан ташқари туман ёшлари “Yoshlar — kelajagimiz” жамағатасидан жами 2 миллиард 555 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олган ўн икки нафар талбиркор тенгдоши билан учрашиб, самимий суҳбат курди. Ёш бизнесменлар шахсий савий-ҳаракати асосида 212 та иш ўринини яратгани намунаият билан эътироф этилди.

Ёшлар спартакиадасида иштирок этган ўнлаб амуларлик ҳаваскор спортчилар минн футбол, шахмат, шашка, стол тенниси бўйича маҳоратини синовдан ўтказди. Шунингдек, ҳудудларда ўтказилган “Бизнес саёҳат”, “Ёшлар кутубхонаси”, “Болалар китоби”, “Мустаҳкам оила сирин” каби лойиҳалар ҳам маҳаллий ёшлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этди.

Республика тарғибот гуруҳи Қоракалпоғистон Республикасидаги миссиясини давом эттирмоқда.

Кумар БЕГНИЯЗОВА,  
Боборовшан ГОЗИДИНОВ.

шарқшунос кадрларни тайёрлаш бўйича имзоланган шартномалар ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳларининг хорижий сафарлари ташкил қилинмоқда.

Шунингдек, ҳамкор таълим муассасалари билан таълим йўналиши, мутахассислик ва ўқув-режалари, фан дастурлари, ўқитиш шакли, кабул квоталари ҳамда уларнинг молиявий таъминотини кўрсатиб берувчи алоҳида битимлар лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда.

Ҳозирги кунда Тошкент давлат шарқшунослик институти масофавий таълимни жорий этиш бўйича Япониянинг Цукуба университети ва Кореянинг Бусан халқаро тадқиқотлар университети билан музокаралар олиб борапти.

2018 йилнинг 20 – 22 октябрь кунлари Бусан халқаро тадқиқотлар университети, қолаверса, Пекин тиллар ва маданият, Сибстатунослик ва хуқуқ, Халқаро тадқиқотлар университети, шунингдек, Молия ва иқтисод марказий университети вакиллари билан бўлиб ўтган учрашув чоғида “2+2” ва “1+1” схемаси бўйича бакалавр ва магистрларни тайёрлаш масалалари муҳокама қилинган. Ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Шу билан бирга, Хиндистондаги Дехли университети, Жавахарлал Неру университети, Жамия Миллий исломия марказий университети, Гужарат университети, Амгити университети билан ҳам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда.

ХАЛҚИМИЗ  
РОЗИЛИГИ УЧУН  
ХИЗМАТ ҚИЛИШ –  
ФАОЛИЯТИМИЗНИНГ  
БОШ МЕЗОНИГА  
АЙЛАНИШИ КЕРАК

(Бошланғичи 1-саҳифада)

Бутунги кунда вилоятдаги 12 та “Баркамол авлод” болалар марказида 4 минг 700 дан ортик ўқувчи 213 та тўғаракка жалб этилган. Бирок ушбу марказларда ментал арифметикани ўқитиш бўйича мутахассислар йўқ.

“Нихол” инновацион мактаби таълим услубларини “Баркамол авлод” болалар марказларига қўйиб, йил якуни бўйича санавт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 16 фозиз, экспорт 22 фозиз ўсиши кутилмоқда.

100 та давлат ва ҳусусий мактабга таълим муассасаси ташкил этилиб, болаларни боғчаларга камраб олиш 33 фозизга етган.

Давлатимиз раҳбари ментал арифметикага бўлган талабини эътиборга олган ҳолда, уни ўқитиш методологиясини такомиллаштириш, ўқувчиларга мантйкий фикрлаш қобилиятини юксалтириш, мактабни энг намуналий таълим муассасаларидан бирига айлантириш юзасидан зарур тавсиялар берди. Мутасаддиларга мактабга автобус, ўқувчиларга планшет совға қилиш вазифаси топширилди.

Ватан озодлиги йўлида жонини фидо қилган доворак саркарда Жалолиддин Мангуберди жасорати унутилмасдир. Унинг синмас иродаси, қудратига ғанимлар ҳам таҳсин айтган. Хоразмшохлар давлатининг сўнги вакили бўлган саркардининг фавқулода иқтидори, буюк жасоратига ҳали-ҳамон жаҳон ахли ҳайрат билан қарайди. У ҳақда минглаб мақолалар, китоблар ёзилди, қўшиқлар қуйилди. Бугун бобомизнинг шарафли номи халқимиз қалбида улуғланади. Мамлакатимизда кўча ва хиёбонларга саркарда номи берилган, “Жалолиддин Мангуберди” ордени таъсис этилган, Урганч шаҳрида ҳайкали ўрнатилган.

Президентимиз Урганч шаҳар марказида Ал-Хоразмий ва Паҳлавон Маҳмуд кўчалари кесимида бунёд этилган Жалолиддин Мангуберди мемориал боғи лойиҳаси билан танишди.

Шаҳар қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Тарихий ва замонавий аъналар уйғунлигида янги бинолар, уй-жойлар барпо этилмоқда. Аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда буюк аждодларимиз меросини абадийлаштириш, улардан мерос хислатларни ёшларимиз онгига ҳам синдириш, улар қалбида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жалолиддин Мангуберди ҳайкали буюк бобомизнинг жасорати ва шону шавкатига доир маъобатли бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Бу майдон тарихимиз кўзгуси, Хоразмнинг «ташриф қозоғи» бўлиши керак. Шунинг учун тарихий олимлар билан маслаҳатлашиб, майдонни чуқур мазмулли, бетакрор ва муаззам ансамблга айлантириш зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз боғ худудини кенгайтириш ва ободонлаштириш, бунда кўпроқ тарихийликни акс эттириш бўйича тавсиялар берди.

Шу ерда Урганч шаҳри марказини батафсил режалаштириш, кўп қаватли уй-жойлар қуриш, иссиқлик ва ичимлик суви таъминотини яхшилашга доир лойиҳалар бўйича ҳам маълумот берилди.

Урганч шаҳрида халқ депутат-

лари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Хоразм вилояти иқтисодиётини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий шароитларини яхшилаш бўйича қатор ишлар амалга оширилаётганини қайд этди.

Жорий йилда вилоятда 312 та инвестиция лойиҳаси бажарилди, янги корхоналар ишга туширилган. Йил якуни бўйича санавт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 16 фозиз, экспорт 22 фозиз ўсиши кутилмоқда.

100 та давлат ва ҳусусий мактабга таълим муассасаси ташкил этилиб, болаларни боғчаларга камраб олиш 33 фозизга етган.

Хоразм учун муҳим бўлган электр энергияси ва тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича ҳам муайян ишлар қилинди. 254 километр электр, 456 километр сув тармоқларида қуриш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Жорий йилда халқимизнинг ҳаётини тубдан яхшилаш мақсадида қабул қилинган “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 27 та қишлоқ ва маҳаллада кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, 14 мингта яқка тартибдаги уй ва 75 та кўп қаватли турар жой, кўплаб муҳандислик тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектлари таъмирланди. Ушбу ишларга жами 236 миллиард сўм маблағ сарфланди. Келаси йили “Обод қишлоқ” дастурига мувофиқ, вилоятда 30 та қишлоқ ва “Обод маҳалла” дастури доирасида 2 та шаҳарнинг 6 та маҳалласида қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилади.

Президентимиз ўтган даврда яратилган иш ўринлари етарли эмаслиги, вилоятда ишсизлик саклиниб қолаётганини таъкидлади. Иқтисодий тармоқларини кўпайтириш, янги санавт корхоналари ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтириш, қишлоқ хўжалиги, туризм ва талбиркорликни ривожлантириш орқали бандлик даражасини ошириш бўйича топшириқлар берди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тавсиясига биноан Хоразм вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажариб келаятган Фарҳод Эрманов Хоразм вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президентимиз вилоят раҳбарлари Хоразм халқи билан бир тану бир жон бўлиб, бугун белгилаб берилган вазифаларни тўла бажариши, иқтисодиётни ривожлантириш ва одамлар ҳаётини яхшилаш бўйича қутилган натижаларга эришиши зарурлигини таъкидлади.

Сессияда сўзга чиққанлар Президентимиз нутқида баён этилган фикрлардан келиб чиқиб, худудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган долзарб вазифаларни бажариш йўлида вилоят ахли астойдил меҳнат қилди ва кўзланган марраларга албатта эришади, деб таъкидлади.

Шу билан Президентимизнинг Хоразм вилоятига ташрифи якунланди.

Умар АСРОПОВ,  
Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
ЎЗА махсус мухбирлари

ТҮРТКҮЛДАН МҮЙНОҚҚАЧА

(Бошланғичи 1-саҳифада)

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи сайёҳаракати билан пойтахтдан жўнатилган делегация аъзолари — ёш олимлар, талбиркорлар, спортчилар, шоиру ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандалари Нукус темир йўл вокзалида нон-гуз ҳамда куй-қўшиқлар билан кутиб олинди.

Шундан сўнг Ёшлар марказида фестиваль очилишига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди. Ёшлар иттифоқининг Қоракалпоғистон Республикаси кенгаши раиси Абатбай Данияров ижтимоий миссиянинг мазмун-аҳамияти ҳусусида тўхталиб, реал натижаларга эришиш мақсадида дастурга атайин “Карьера қуни”, “Қолажақ фермери”, “Бизнес саёҳат”, “Ҳоким ва ёшлар”, “Фарзандлик бурчим” каби лойиҳалар киритилганини маълум қилди.

Биринчи кун тарғиботчилар гуруҳларга ажралиб, Амулар, Қоразак, Тахтақўйир, Чимбой, Кейгайли ва Шуманай туманларига йўл олди.

Тахтақўйир қурилиш ва транспорт қасб-хўна қоллежида туман ҳокими Жамбил Адиллов билан учрашув ўтказилди. Ёшлар ҳудудда истироҳат боғини қуриш, чикиндилар учун махсус қутилар ўрнатиш каби ҳаётини тақлифларни ўртага ташла-



ди. Банклардан кредит ололмаётган тенгдошларимизнинг муаммоси жойида ҳал қилинди.

Кизгин мулоқотни якунлаб, ўқувчилар бир қанча фермер хўжалиқлари фаолияти билан танишди. Шу пайтнинг ўзида волейбол, стол тенниси, минн футбол, югуриш мусобақаси ташкил қилинди.

— Одатда катта-катта талбирлар шаҳарда ўтказиларди, — дейди Тахтақўйир туманидаги 3-умумтаълим мактаби ўқувчиси Салима Нийётул-

лаева. — Олис туманда яшаганим боис, кўпинча улардан беҳабар қолардим. Аммо бу сафарги ёшлар фестивали тамоман ўзгача бўлди. Биз, қишлоқ болалари билан юзма-юз кўришиб, ҳолимизни сўраш учун республикадан вакиллар келди. Стол тенниси бўйича мусобақада 2-ўринни эгалладим. Санъаткорлар менч кутлади. Бундан бағоят хурсандман.

Қоразак тумани тиббий бирлашмасида амалга оширилган яна бир лойиҳа доирасида аҳоли малакали мутахассислар томонидан бепул тиббий кўриқдан ўтказилди. Хар бир фуқарога тегишли тавсия ва маслаҳатлар берилди. Оғир беморларга зарур муолажалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси соҳибни Нурназар Пирназаров орзуга эришиш учун тинимиз меҳнат қилиш кераклигини теран англаган тенгдошларимиздан. Муваффақиятларининг сирини мана шунда. Бу йигит фестивал доирасидаги “Муваффақиятга эришиш сирлари” лойиҳасига ҳам жалб этилди.

Амулар ёшлар иқтисодиёт коллежида “Депутат ва ёшлар” учрашуви бўлиб ўтди. Унда Қоракалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати Отабек Йўлдошев ҳамда Халқ депутатлари Амулар ёшлар кенгаши

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЙОТИ  
Халқаро  
ҲАМКОРЛИККА  
ЙЎЛ ОЧИҚ

Абдурахим МАННОНОВ,  
Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори

Жаҳонда глобаллашув жараёни жадал сурьатларда кечаятгани сир эмас. Бундай вазиятда мамлакат раванки учун илм-фаннинг аҳамияти тобора ортмоқда.

ри, Франциянинг Шарк тиллари ва цивилизациялар миллий институти, Латвиянинг Балтика халқаро академияси, Россиянинг Қозон ҳамда Урал федерал университети, Челябинск ва Тинч океани давлат университети билан қўшма таълим дастурлари бўйича шартномалар имзоланди.

Бундан ташқари, Москва давлат университетининг Осие ва Африка институти билан қўшма таълим дастурлари асосида шарқшунос кадрларни тайёрлаш ҳамда мақзуру олий ўқув юрти филиалини очиб бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда илк бор таш-

кил қилинган Ўзбекистон – Россия таълим форуми доирасида Москва давлат университети ректори Виктор Садовничий билан бўлиб ўтган учрашув чоғида олий мартабали меҳмон Россия томони ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлаган эди. Шу аснода Россия Халқлар дўстлиги университети ҳамда Москва давлат халқаро муносабатлар институти билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйдик.

Айни вақтда Қозон ва Урал федерал университети, Челябинск ҳамда Тинч океани давлат университети билан қўшма таълим дастурлари асосида

## YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

# ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИНИНГ ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗИ

Рохатой ҚОДИРОВА

Рағбат инсонни юксалишга ундайди, мақсадларига қанот бағишлайди. Айниқса, мустақил ҳаётга эндигина қадам қўяётган, аммо ғайрат-шижоати ичига сиғмас, Ватанини дилдан ардоқлаб, унинг равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишга тайёр йигит-қизларнинг орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш, меҳнатини муносиб эътироф этиш жуда муҳим.

**МИНГ-МИНГЛАБ  
ҚОРАКЎЗЛАРИМИЗГА  
БУГУН ЕЛКА ТУТМАСАК,  
РОЗИ ҚИЛМАСАК,  
БУНЁДҚОРИК  
САЛОҲИЯТИНИ ЮЗАГА  
ЧИҚАРМАСАК, УЛАР  
ЭРТАНГИ КУННИНГ  
ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИГА  
АЙЛАНИШИ АМРИ  
МАҲОЛ. БУНДАЙ  
ВАЗИЯТДА БУЮК  
ДАВЛАТ, ЁРҚИН  
КЕЛАЖАК ҲАҚИДА  
ҲАТТО ГАПИРИШ ҲАМ  
БЕФОЙДА.**

Яна бир ҳақиқатни унутмайлик: ҳеч бир замон ва маконда она Ватанига садоқатли, элим деб ёниб яшайдиган фидойи шахслар ўз-ўзидан пайдо бўлмаган. Ушбу ноёб катлам доимий эътибор, адолат ва бағрикенглик муҳитидагина шаклланади. Ўзбекистонда бунинг учун ҳамма шароит бор.

Муҳими, Президентимиз ёшларга ишоняпти. Бу сўзда эмас, амалда бўлаётган жараён. Мамлакат раҳбари ташаббуси билан 2017 йил 30 июнь куни Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг тузилгани, мазкур ташкилот саъй-ҳаракати асосида ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш, бандлигини таъминлаш, қолаверса, йигит-қизларимиз соғлом турмуш тарзини юритиши, илмий ва ижодий иқтидорини рўёбга чиқариши, халқ дипломатиясига таяниб халқаро даражадаги

йирик тадбирларда ўзини намоён этиши, замонавий талабларга мослашган, инновацион фикрлаш тарзига эга раҳбар кадрлар сифатида тарбияланиши учун қўллаб-қўллайдиган амалга оширилмоқда. Биргина “Yoshlar — kelajagimiz” Давлат дастури доирасида қилинаётган ишларнинг ўзи жамият учун нечоғдиқ аҳамиятли бўлаётгани, шахсий бизнесини очиб истагидаги ёшларга “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар орқасидан қанчалаб оилаларнинг турмуши яхшиланиб, ҳаётга муносабати буткул ўзгарганини ҳаммамиз кўриб-билиб, англаб турибмиз.

Мамлакатимизда ёшларнинг нафақат тадбиркорлик, балки бошқа соҳалардаги эзгу ташаббуслари ҳам рағбатлантирилмоқда. Бунга турфа кўрик-тайловлар, таълим ва илмий

грант дастурлари, махсус стипендиялар миқсолида ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ёшлар учун бир қатор мукофотлар ҳам таъсис этилган. Жорий йилда уларнинг сони яна иккитга кўпайиб, илк бор қалби уйғок, жасур йигитларга “Мард ўғлон” Давлат мукофоти ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол йигит-қизларга “Келажак бунёдкори” медали топширилди.

Ҳар йили Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қарори билан бир гуруҳ ёшлар “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони билан ҳам тақдирланади. Бу анъана 1997 йилдан буён мавжуд.

Таъкидлаш керак, “Ўзбекистон белгиси” эртаминг эгаларига давлат миқёсида кўрсатаётган эътибор ва ишончнинг ёрқин ифодасидир. Катта саҳнада, гулдурас қарсақлар остида ҳавасга арзигулик инсонлар қўлидан мукофотни қабул қилиб олаётган нишондорлар, шак-шубҳасиз, бошқа тенгдошларига ибрат, намунадир.

Жорий йилда “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони 41 нафар кишига насиб этди (қуйидаги рўйхатга қarang). Улар орасида хорижий давлатлар фуқаролари ҳам бор. Бунақаси хали бўлмаган!

Тез кунларда пойтахтимизда мукофот соҳибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтади. Умид қиламизки, кўксига қадалган шонли нишон ёшларнинг келгуси ҳаёт йўлини йўлчи юлдуздек ёритиб, янги зафарлар қучишига замин яратажак.

## Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши қарори

# ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 26 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТУРЛИ СОҲАЛАРДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ЁШЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ “ЎЗБЕКISTON БЕЛГИСИ” КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Миллий маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизида юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шухрати ва шарафини юксалтиришига ҳамда халқро нуфузини оширишига хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб намуна кўрсатаётгани учун қуйидаги ёшлар “Ўзбекистон белгиси” кўкрак нишони билан тақдирлансин:*

**Абдуалимов Алишер Самацдар ўғли** — Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтининг мактабгача ва бошланғич таълим факультети бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иши йўналиши талабаси  
**Абдурахманов Фаррухжон Олимжон ўғли** — Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ёнгинга қарши тартибот гуруҳи катта муҳандиси, катта лейтенант  
**Ареланова Наргиза Муталовна** — “Tashkent city” Халқаро ишбилармонлик маркази автокран бошқарувчиси  
**Атаназаров Ражаббой Давронбек ўғли** — Урганч олимпия захиралари коллежининг 3-босқич ўқувчиси  
**Баймуратов Шохрух Махмудович** — Тошкент давлат иқтисодиёт университети иқтисодиёт факультети декани муовини  
**Жумабоев Акмал Мурадovich** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгаши раиси  
**Зайниддинов Шавкат Зайниддин ўғли** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сирдарё вилояти кенгаши раиси  
**Ибрагимов Шерзод Махсудович** — Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раисининг ёшлар ишлари бўйича ўринбосари  
**Исмоилова Шарофатхон Салимжон кизи** — Кўкон давлат педагогика институтини 3-босқич талабаси  
**Каримова Гавхар Муроджон кизи** — “Истеъдод” жамғармасининг намоздорлари дастлабки танлаш ва тайёрлаш бўлими бошлиғи  
**Махмудова Севара Акрамовна** — Халқ таълими ва-

зириги мактабдан ташқари таълимни ташкил этиш бошқармаси етакчи назоратчиси. Низомий номидаги ТДПУ мустақил илмий тадқиқотчиси  
**Мирзаахмедов Камолиддин Мансуржон ўғли** — “Республика ёш олимпик кенгаши” нодавлат нотижорат ташкилоти директори  
**Мирзакулов Жаҳонгир Олтинчи** — Бухоро вилояти Қорақўл тумани 1-иختисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби инглиз тили фани ўқитувчиси  
**Ортиқбоев Жаҳонгир Ортиқбой ўғли** — Тошкент педиатрия тиббиёт институти шошилинч тиббий ёрдам факультети 2-босқич магистранти  
**Раджабов Умед Фармонкулович** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши аппарати спорт ва саломатлик бўлими мудири  
**Раимкулов Азамат Кенжебаевич** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигидаги “Ёшлар ижод саройи” нодавлат нотижорат ташкилоти “Ёшлар симфоник оркестри” олий тоифали артисти  
**Рўзимова Озода Рустамовна** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Элликалья тумани кенгаши раиси  
**Рустамов Улугбек Раҳматулаевич** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Мирзачўл тумани кенгаши раиси  
**Сабохитдинов Суннатилла Хожнакбар ўғли** — Республика Маънавият ва маърифат маркази жойлардаги маънавий-маърифий тартибот ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси  
**Сайлиев Руфат Жумабоевич** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси

**Сайфидинов Обиджон Инсонжонovich** — Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари академияси взвод командири  
**Саматова Алия Мидарисовна** — Баскетбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси  
**Селиверстова Татьяна Игоревна** — “Россия ёшлар иттифоқи” Умумроссия жамоат ташкилоти раиси ўринбосари  
**Си Лю** — “Hi China” дунё ёшларини ривожлантириш форуми ижрочи президенти  
**Содиқова Шохсанам Содиқжон кизи** — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги “Umida-Non” оилавий корхонаси раҳбари  
**Сотволдиев Фаррухбек Машраббой ўғли** — ҳарбий қисм тарбиявий ишлар гуруҳи офицери — Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти етакчиси  
**Сотиболдиева Нилуфар Жамшидовна** — “Менинг юртим” нодавлат телеканали бошловчиси  
**Турсунов Муҳаммадсолиҳ Саъдий ўғли** — Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг дастур инжиниринг кафедраси ассистенти  
**Турсунхўжаев Сандакмажўжа Саидмуродхўжа ўғли** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигидаги “Ёшлар ижод саройи” нодавлат нотижорат ташкилоти “Ёшлар миллий ансамбли” бадиий раҳбари  
**Умарова Хилола Уктамовна** — Тошкент шаҳридаги Инха университети бош менежери (проректор)  
**Хакбердиев Жаҳонгир Каримович** — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ёрдамчиси  
**Хакимов Азизбек Абдилалим ўғли** — “Ипак Йўли” акциядорлик инновация тижорат банки Ёшлар иттифоқи

бошланғич ташкилоти етакчиси кенгаши раиси, бошқарув раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси  
**Хасанов Умиджон Расулжонovich** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлаш бошқармаси катта офицери  
**Ходжаев Дониёр Хамракулович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази кидирув-кутқарув гуруҳи кутқарувчи-ҳайдовчиси  
**Хуррамов Аслиддин Бахромоевич** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Олтинсой тумани кенгаши раиси  
**Шопўлатов Шомурод Шорасул ўғли** — Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети 2-босқич магистранти  
**Эргашев Шохжон Абдусамиевич** — Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси аъзоси, халқаро тоифадаги профессионал боксчи  
**Юлдашев Шохрух Алишерович** — “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси хонандаси  
**Юсупов Сухроб Ахмедович** — Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборот хавфсизлиги бошқармаси киберхавфсизлик бўлими бош мутахассиси  
**Юсупов Фурқот Эргашевич (мархум)** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот котиби  
**Якубова Барнохон Жўшқиновна** — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Хоразм вилояти кенгаши матбуот котиби

## ШИФО ТОПАЁТГАН БОЛАЛАР

Миллий матбуот марказида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фондининг жорий йилги фаолияти сарҳисоб қилинди. Тадбирда таъкидланганидек, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилган “Саломатлик поезди” лойиҳаси орқали 10 минг 456 нафар юртдошимиз тиббий кўриқдан ўтказилган. Шунингдек, жойларга салкам 58,5 миллиард сўмлик инсонпарварлик ёрдами етказилди.

Йил мобайнида жамғарма хорижий ва маҳаллий ҳамкорлар кўмагида умумий қиймати 50 миллион АҚШ доллари ҳамда 175 миллиард сўмга тенг муруват юкларини қа-

бул қилди. Шу аснода аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига дори-дармон ва санитария-гигиена воситалари, ногиронлик аравачалари, ортопедик ва бошқа турдаги

тиббий жиҳозлар тақдим этилди. Шу билан бирга, оғир ҳасталиқларга чалинган 26 нафар бола Германиянинг нуфузли клиникаларида бепул даволаниш имконига эга

бўлди. Тугма юрак нуқсонини бор яна 20 нафар норасида Ҳиндистонда шифо топиб қайтди. Туркиянинг ТКА ташкилоти кўмаги билан эса, куйиш асоратлари ва лабида нуқсонини бўлган 159 нафар ўғил-қиз операция қилинди. Айни вақтда хорижда яна 15 нафар бемор зарур муолажаларни олмақда.

— Ўтган йили Корея Республикасининг тўртта тиббиёт муассасаси билан ҳамкорлик қилган бўлса, жорий йилда уларнинг сони саккизга етди, — деди “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди бошқарувчи раиси ўринбосари Нозимжон Мўминов. — Хусусан, куйган ҳамда тугма

лаб-танглай асоратлари оғир деб топилган 39 нафар, кўз касалликларига чалинган 112 нафар, тугма юрак нуқсонини билан тузилган олти нафар бемор операция қилинди. Келгуси-

да Кореянинг яна етти клиникаси билан мустақкам алоқа ўрнатишни кўзлаб турибмиз.

Муҳбиримиз



## KO'NGILDAN KO'CHIRMALAR



Madina NORCHAYEVA

## Dashtga maktub

Har gal Samarqandga — tog'amning uyiga mehmonga borsam, yangamlar "Dashtlik qiz keldi", deyishar, ko'cha-ko'ya do'shnilariga ham "Bu dashtga tushib ketgan ammasining qizi", — deb tanishtirishar edi. Shahar nuqsi urgan qarindoshlarimning bu gaplari menga og'ir botmasdi. Axir, sahroning ham o'z gullari bo'ladi. Dashtning ham...

Kaftingizni duoga ochgandek juftlashtirangiz, sizga qishlog'imiz xaritasini chizib beraman. Ikki qo'lning tutashib turgan joyi qishlog'imiz odamlari "sag'anoq" deb ataydigan ariq, uning chap tomonida yo'l bor. Uylar ham ko'p emas, ariq yoqalab siyrak va zich, betartib joylashgan. Sag'anoq kunchiqardan kunbotar bo'yab cho'zilgan. Uyimiz kichikroq bir qirning ustida. Unga yana boshqa qirlar tutashib ketgan. Quyosh botishini ko'rish uchun uyimiz ortidagi qirga shoshaman. Qaraysan, dunyoda faqat dasht, sen va quyosh bordek. Tepalikdan qarasan, qishlog'imiz duoga ochilgan hovuchdek,

botayotgan quyosh yuziga fotiha tortmoqchidek tuyuladi.

Dasht vaqtni zanjirib oladi va u hech nimaning unutmaydi.

Bu dashtlar begona bilan so'zlashmaydi. Menga esa, manavi qirlar bag'rini ochadi. Qo'zg'aloqlar "Unmay ketgan ko'ksimizga bir yomg'ir tegsaydi", deydi. Men qirma-qir daydib, toshbaqa izlayman. Uni "toshloq-qir"dan topaman. Toshbaqani chappa qilib qo'yib, uyu jo'nayman (toshbaqaning oyog'ini osmonga qilib qo'ysa yomg'ir yog'adi, deb eshitganman). Kutaman, qachon yomg'ir yog'ar ekan. Tuni bilan uyqu

kelmaydi. Yomg'ir yog'madi-ya. Ertalab toshloqirga yuguraman, toshbaqa ba'zan juftakni roslab qolgan bo'ladi. Ba'zan uni o'zim o'nglab qo'yaman, ozor berganim uchun uzr, deyman. Shu zaylda bolaligim unga to'kilib ketadi. Dasht esa, hech nimaning unutmaydi, barini yodda tutib qolaveradi.

Keyin dasht shahzodasi paydo bo'ldi. Uning shahzoda ekanini ham qirlar aytdi, mening malika bo'lmog'imni-da ular aytdi. Shom o'tib mening qirimda subhat quramiz.

— Qara, huv katta qir "Titanik"ka o'xshaydi, — deydi u.

— Qanaqa "Titanik"? — deyman ranjigan-namo (ichimda o'ylayman; bular ota-onamning o'tib borayotgan umri-ku).

— Xayr, endi kelsang, hovlingdagi gullangan o'rik shoxidan olib kel, — deyman.

— Istanang, daraxtni uyingga ekib qo'yaman, — deydi u.

Tunda u tushimga kiradi. Gullayotgan daraxtni ko'tarib kelgan emish...

Dashtga qarab bemalol yig'lashing mumkin. Lekin u seni yig'lamaslikka o'rgatadi. Kuzatishga, kutishga o'rgatadi. O'zi esa, donishmand kabi sukut saqlaydi. Ayang o'n yetti yoshida kelin bo'lib kelgandi, yosh edi, hatto yertandir nimaligini bilmasdi, deydi goho. Hammasini o'zim o'rgatdim, deydi. Bu gaplarni katta enam aytdimi, dashtmi, adashtirib qo'yaman...

Otam azon chaqirgan tonglarni yaxshi ko'raman. Bolaligimda tong g'ira-shira oqarayotganda padarim bomdodga azon aytar edi:

"Alloohuu akbar,  
Alloohuu akbar..."

Shirin jilmayib ko'rpadan boshimni chiqaraman. Otam azon aytyapti, demak, sog'lig'i yaxshi, endi ichmaydi. Onam siqilmaydi. Maktabga boshimni baland tutib boraman. Qanday yaxshi...

U tonglar umrimning arzanda tonglari edi. Bugun odamlar "Masjid ko'cha" deb ataydigan joyda yashayman. Besh mahal azon tovushi yingrab turadi. Huddi bolaligimdagidek shirin tuyg'uni tuyaman. O'sha sohir va osoyishta tonglarning ovozi eshitiladi go'yo. Aniq bilaman, olis yoqadagi dashtlarim ham meni otam-onamday sog'ingan...

Ha, otam azon chaqirgan tonglarning birida qirlar uyg'onishiga ishonaman. Axir, bu qirlar ham qachonlardir dasht shahzodasi bo'lgan...

## 1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Ayni vaqtda dekret ta'tilidagi xodimning o'rnida ishlayapman. Lekin u muddatidan oldin ishga chiqmoqchi. Endi men ishsiz qolamanmi?

Adiba BAHODIROVA  
Denov tumani

Savolga huquqshunos Aziza TOLIPOVA javob beradi:

O'zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 237-moddasiga binoan, bolani parvarishlash ta'tili (dekret)dagi xodim ta'tildan so'ng ishga qaytganda ish beruvchi tomonidan avvalgi ish o'rniga tiklanishi yoki shu ish o'rniga teng ish o'rni bilan ta'minlanishi lozim. Bundan chiqdi,



(Yosh huquqshunoslar kengashi bilan hamkorlikda tayyorlandi.)



bolani parvarishlash ta'tilidagi xodim boshqa ish o'rniga o'tishga rozi bo'lgan taqdirdagina siz o'z ishingizda qolishingiz mumkin. Aks holda, ish beruvchi sizni mutaxassisligingizga mos bo'sh shtatga o'tkazishga, u ham bo'lmasa, ishdan bo'shatishga haqli.

## BUGUNNING GAPI

## Ota-ona — farzandiga namuna

Ma'mura XO'JAQULOVA

Juma. Soat 20:30. Dabdurdustdan telefon jiringlab qoldi. Jijanim Xolida ekan.

— Ertaga Toshkentga boryapman. Xohlasangiz, ishlarimni bitirib bo'lgach sizga xabar beraman, bir ko'rishardik. Shuncha joyga borib, sizni ko'rmay qaytsam yaxshi bo'lmas-a?

— Mayli, bemalol. Ertaga dam olish kunim. Ikkalamiz shahar aylanamiz.

— Kelishdik.

Shanba. Soat 13:45. Xolida bilan ko'rishdim. Avvaliga kafeda tushlik qilib, obdon suhbatlashdik. Vaqt qanday o'tganini ham bilmay qolibmiz. So'ng u bilan Mustaqillik maydoni, Temuriylar tarixi davlat muzeyini aylandik. Teatrda chipta qolmagani uchun yo'lni kinoteatr-ga burdik. Alisher Navoiy nomidagi kinosaroy kassalari doimgidek gavjum. Ota-onalar farzandlari bilan, yosh yigitlar sevgan qizlari bilan kino tomoshga qilgani kelgan. Odamlarning ishdan ortib, madaniy hordiqqa vaqt ajratganidan suyundim. Namoyish etiladigan filmlar turli-tuman. Qay birini tanlashga ham hayron qolasan, kishi. Hamrohim ikkimiz Chingiz Aytmatov asari asosida suratga olingan "Sarvqomat dilbarim" filmiga chipta oldik. U o'zbek hamda qozoq kinoijodkorlari hamkorligida suratga olingan.

Zal asta-sekin to'la boshladi. O'rta qatorga joylashdik. Ammo odam ko'p emas. Kim nima qilayotgani yaqqol ko'rinib turibdi. Chiroq o'chdi, kino boshlandi. Kartinani miriqib tomosha

qilyapmiz. Bir mahal nimadir bo'ldi-yu, orqaga qaradim. Ochig'i, aytishga ham uyalamam. Film boshlanishidan avval bir qiz va yigit eng oxirgi qatordan joy olganiga hayron bo'lgandim. Mana, endi buning sababini angladim. Juda sharmandali holat!

Shu o'rinda buvimning gapi yodimga tushdi: "Buvang rahmatli zap alomat kishi edi-da. To'yimizgacha bir marta ham qo'lmdan tutmagan. Imon-e'tiqod kuchli, andishali odam edi. Hozirgilarga tushunmayman. Hali unashirilmagan qo'l ushlab yuradimi-yey, quchoqlashadim-yey. Andishani ham yig'ishtirib qo'rgan".

Ha, bu ayni haqiqat. Yurtimizning madaniyat markazi sanalgan Toshkent baxtga qarshi, bugun madaniyatsizlik, beandishalik targ'ibotchilari bilan to'lib-toshmoqda. O'lkamizga minglab sayyohlar keladi. Yuqoridagi kabi holatlar ularning nazdida millat yuzini yerga qaratib qo'ymayotganmi?

Tarbiya oila, mahalladan boshlanadi. Shunday ekan, yigit yoki qiz axloqsizlik ko'chasi-ga kirishiga, albatta, ota-ona, qo'ni-qo'shnilarining e'tiborsizligi sabab bo'ladi. Bu esa, keyingi avlodlar taqdiriga salbiy ta'sir ko'rsatishi aniq. Zotan inson o'zi qanday tarbiya topgan bo'lsa, farzandiga ham shuni ravo ko'radi.

O'zbek uchun qiz bolaning tarbiyasi g'oyat nozik masala. Azaldan bu ishga ko'pni ko'rgan momolar jalb etilgan. Biroq hozirgi kun onalari qadriyatlariga sodiq qolishga urinayotgani yo'q. Nima bo'lganda ham, farzand oilada ko'rganini qiladi. Ota-ona munosabati u uchun saboq. Avvalo, yoshlar milliy qadriyatlariga hurmatni kuchaytirishi kerak. Bunga esa, ilmu ma'rifat orqali erishiladi.

## BILASIZMI?

Nol raqamining yozuvdagi aksi — "0" yunoncha "hech nima" ma'nosini anglatuvchi "ouden" so'zining bosh harfidan olingan.



Gazetada davomli tarzda chop etilgan birinchi badiiy asar Daniyel Defoning "Robinson Kruzo"sidir.

Ko'zoynakni 1299-yili italiyalik Salvino Armatii ixtiro qilgan.



Abdusattor UMMATOV tayyorladi.

## SHAKARXANDA

Institutda imtihon jarayoni ketmoqda. Barcha talabalar test yechyapti. Faqat bir talaba tanga tashlab, variantlarni belgilayotgan ekan. Domla uni kutatib turib, hammadan oldin tamomlasa kerak, deb o'ylabdi. Talabalar imtihon javoblarini topshirdi. Faqat haligi yigit hali ham tanga tashlab o'tirganmish. O'qituvchining sabri chidamay, yoniga borib:

— Imtihon vaqti tugadi. Javoblarni belgilashga ulgurdingizmi? — desa, talaba:

— Ha, ulgurdim. Endi tekshirib chiqyapman, — dermish.

## NUQTAYI NAZAR

TASODIF DEMANG,  
shay turing!

Hasan USMONOV

Ko'cha-ko'ya ko'p voqealar sodir bo'ladi. Noxushlari ham bor. Bir qarashda, ularni tasodif deb o'ylaymiz. Aslida esa, aksariyati e'tiborsizlig-u loqaydligimiz tufayli ro'y beradi.

Bugungi kunda avtotransport vositalarining soni tobora ortib borayotgani bor gap. Qaysidir ma'noda, shunday bo'lgani yaxshi — og'irimiz yengil, uzog'imiz yaqin bo'lmoqda. Ammo har narsaning me'yor-chegarasi, tartib-taomili bo'lmog'i darkor. Axir, shahar bedarvoza emas-ku.

Toshkent shahar yo'l harakati xavfsizligi boshqarmasi ma'lumotiga qaraganda, joriy yilning o'n oy mobaynida yo'l-patrul xizmati inspektorlari tomonidan 652 ming 340 ta qoidabuzarlik aniqlangan. Ular orasida transport vositasini mast holda boshqarish, belgilangan tezlik talablariga rioya qilmaslik, svetofor chiroqlariga bo'ysunmaslik, avtomashinani boshqarayotganda uyali aloqa vositasidan foydalanish holatlari, ayniqsa, ko'p.

Ta'lim muassasalari, mahalla hamda jamoat joylarida yo'l harakati xavfsizligiga doir targ'ibot ishlarini muntazam olib boramiz, — deydi Toshkent shahar YHXB matbuot xizmati boshlig'i vazifasini bajaruvchi Qahramon Xudoyberganov. — Qoidabuzarlar ma'muriy javobgarlikka tortilyapti. Maqsadimiz — haydov-

chi va yo'lovchilarning huquqiy madaniyatini oshirib, qonunga itoat etishiga erishish.

Yarim tunda ishdan qaytayotgan edim. Oldimdan ikki yaqin bo'lmoqda. Ammo har narsaning me'yor-chegarasi, tartib-taomili bo'lmog'i darkor. Axir, shahar bedarvoza emas-ku. Tashkent shahar yo'l harakati xavfsizligi boshqarmasi ma'lumotiga qaraganda, joriy yilning o'n oy mobaynida yo'l-patrul xizmati inspektorlari tomonidan 652 ming 340 ta qoidabuzarlik aniqlangan. Ular orasida transport vositasini mast holda boshqarish, belgilangan tezlik talablariga rioya qilmaslik, svetofor chiroqlariga bo'ysunmaslik, avtomashinani boshqarayotganda uyali aloqa vositasidan foydalanish holatlari, ayniqsa, ko'p.

Yuqoridagi "tasodifiy hodisa"dan har kim o'z xulosasini chiqarib olar, ehtimol. Bizning aytar so'zimiz esa, bitta — odamlar hayotini xavf ostiga qo'yish, mashinani "o'yinchoq" qilib minish, yo'lda hech kimni, hatto qonunni pisand qilmay, poyga uyushtirishga haqqimiz yo'q! Ongli bo'laylik, qadamimizni o'ylab bosaylik, azizlar.

## O'QING, BU QIZIQ!



Alisher Navoiyning ilk she'rlari to'plami Sankt-Peterburg shahridagi Saltikov-Shchedrin kutubxonasida saqlanadi. Kitob bundan besh asr avval buyuk adibning shaxsiy kutubxonasida saqlangani ma'lum. U mashhur xattot Sultonali Mashhadiy tomonidan ko'chirilgan. She'riy to'plam oltin suvi bilan ipak qog'ozga bitilgan bo'lib, har bir sahifasi naqshlar bilan bezatilgan.

"Yoshlar ovozi" va "Молодежь Узбекистана" gazetalarini jamoasi tahririyatining Buxoro viloyati bo'yicha muxbiri Laylo Hayitovaga onasi

O'g'iloy HAYITOVAning

vafoti munosabati bilan hamdardlik bildiradi.

## MUASSIS

O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI  
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

Bosh muharrir  
Karimov Faxriddin Turdaliyevich

## TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Laziz Tangriyev, Madamin Safarov,  
Alisher Sa'dullayev, Dilmurod Nabiye, Azim Mirzajonov, Nodir Abduqodirov,  
Nargiza Umarova — bosh muharrir o'rinbosari  
("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"),  
Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Dizayner  
Abdullayev Xurshid O'ktamjonovich

Navbatchi  
Hasan Usmonov

"YOSHLAR OVOZI" dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Belgisi bilan tijoriy materiallar chop etiladi.



Gazeta materiallari tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Tahririyat manzili: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.  
Telefonlar: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97. (371) 233-79-69 (faks)  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarmasida, A-2 formatda chop etildi. Hajmi — 2 bosma taboq.  
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeks: 203, 3203  
Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-1236  
Adali — 11057

Bosishga topshirish vaqti — 21.00  
Topshirildi — 23.15

Ofset usulida bosilgan.

1 2 3 4 5